ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01075

МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИШ ЎРНИ

Шухрат Фахридинович Кучкаров
Чирчик давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада математика ўқитувчисининг автоматлаштирилган иш ўрни, унинг хусусиятлари ва вазифалари баён қилинган.

Калит сўзлар: компьютер, дастурий таъминот, автоматлаштирилган иш ўрни, математика ўқитувчисининг иш кабинети.

THE WORKPLACE OF A MATHEMATICS TEACHER

ABSTRACT

The article describes the automated workplace of a math teacher, its features and functions.

Keywords: computer, software, automated workplace, math teacher's office.

КИРИШ

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари даражасини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар таълим жараёнларида илғор педагогик ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишни жадаллаштириш, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ривожлантириш имкониятини яратмоқда [2]. Шунингдек замонавий ахборот технологияларидан ҳар бир мутахассис ўз касбий соҳасида фойдаланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса математика ўқитувчисининг иш кабинетини ҳам замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини тақоза этади.

МЕТОДОЛОГИЯ

Математика ўқув хоналарини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш ўқитувчиларда методик ижодиётга шароит яратиб бериб математика хонаси ўқитувчининг тайёргарлигига юқори талаб қўяди. Ўқитувчи хонадаги техник

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01075

жиҳозлар мазмуни билан яхши таниш бўлиши керак. Чунки ҳар томонлама жиҳозланган ўқув хонасидаги бор материалларни дарсда комплекс фойдаланиш масаласи туради. Бундай ўқув хоналар таълим жараёнида қўлланиладиган метод ва натижаларига, ўқувчиларнинг ривожланиши ва тарбиясига таъсир этади. Ўқув хонаси ўқувчиларда қизиқиш уйғотадиган, тафаккурини ўстирадиган ўринда бўлиши керак.

Математика ўқув хоналарини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, таълим тарбия ишларида катта эффект бўлишини таъминлашга қаратилиши керак. Жаҳон талабларига жавоб берадиган математика ўқув хоналарида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятини юксалтирадиган жиҳозлар талаб қилинади. Автоматик бошқариладиган техник ўқитиш усуллари катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Пулт билан бошқариладиган техника воситаси агар у ўқитувчи столида ўрнатилса ҳам вақт тежалади ҳам математика фанида ўргатилаётган мавзу ҳақида кўпроқ маълумотлар бериш имкониятини яратиб беради.

Математика ўқув хоналарида ўқитувчи бошчилигида ўқувчиларнинг макетлар, моделлар тайёрлаш айниқса катта аҳамиятга эга. Чунки ўқув хонасини жиҳозлаш айнан ўқувчилар ёрдамида амалга ошириш келажакда уларда ҳам ўз фаолиятига қараб хоналарни жиҳозлаш кўникмасини ҳосил қилади.

Маълумки ҳар бир мактабда ёки олий таълим муассассида, тўлиқ ёки кичик махсус жиҳозланган математика синф хоналари мавжуд. Ҳозирда замонавий математика ўқитувчисининг иш кабинети қўйидагилар билан жиҳозланган бўлиши лозим: жавонлар уч ўлчамли геометрик шакллар билан: деворларда формулалар ва графикалардан иборат кўплаб жадваллар, шкафлар алгебра ва геометрия бўйича дарсликлар, намойиш материаллари ва кўргазмали қуроллар. Бу Давлат таълим стандартининг математика синфини жиҳозлаш талабларига тўлиқ жавоб беради. Аммо ахборотлашга жамиятда буларнинг ўзи етарли эмас.

Давлат таълим стандарти бўйича математика синфини жиҳозлаш талабларига мувофиқ мактабда юқори сифатли таълим жараёнини ташкил этиш ва математик билимларни ўқитувчидан ўқувчига узатиш учун замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланилади. Буларга қуйидагилар киради:

1. Техник ўқув воситалари:

-шахсий компьютер билан автоматлаштирилган ўқитувчининг иш жойи;

-мультимедиали проектор;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01075

- юқорига жойлаштирилган проектор;

-экран.

2. Ўқув ва амалий жиҳозлар:

-доска;

-графикалар чизишга мўлжалланган доска;

-талаба доскада ишлаш учун асбоблар: (турли узунликдаги чизғичлар, транспортир, циркуль);

- планиметрик жисмларнинг намойиш қилиш ва тарқатиш тўпламлари;

- стереометрик жисмларни намойиш қилиш ва тарқатиш тўпламлари;

3. Виртуал лаборатория.

4. Кутубхона:

- барча даражадаги математика таълим стандартлари;

- барча даражадаги ўқиш учун тавсия этилган математик дастурлар;

-муаллифлик дастурлари;

-дарсликлар;

-қўшимча адабиётлар;

- математика фанидан тест қоғозлари тўпламлари;

-Давлат имтиҳонига тайёрланиш учун материаллар;

-услубий адабиётлар;

- илмий-оммабоп адабиётлар;

- асосий математик формулаларни ёдлаш учун қўлланмалар.

5. Босма материаллар:

- математик олимларнинг портретлари;

- алгебрага оид жадвалли материаллар ва таҳлилнинг бошланиши.

6. Математик дастурнинг асосий бўлимлари учун рақамли таълим тизимлари, муаммоли китоблар учун маълумотлар базалари ва бошқалар.

7. Экран ва товуш аппаратлари: математиканинг ривожланиш босқичларига оид ёки буюк математик олимларнинг фандаги ҳаётига бағишланган видеоматериаллар.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бу эса математика ўқитувчисининг автоматлашган иш жойи бўлишини талаб этади.

Ижодкор ўқитувчи ўқитиш методикасига хилма-хилликни, жумладан, ўйин, ўйин-кулги элементларни ва ҳатто энг қийин мавзуни тушунтиришга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01075

ностандарт ёндашувни олиб кира олади. Зеро, норасмий ва қизиқарли тақдимот билан тавсифланган материалларни ўқувчилар яхшироқ тушинади.

Автоматлаштирилган иш жойи - математика ўқитувчисининг муайян функцияларини бажариш учун бирлаштирилган ахборот ресурслари, шахсий ва жамоавий фойдаланишнинг дастурий-техник ҳамда ташкилий-технологик воситалари мажмуаси сифатида белгиланиши мумкин.

Ўқитувчининг автоматлаштирилган иш жойига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унинг мақсади қуйидагилардан иборат: ўқитувчига ўқитиш методикаси бўйича кўмак бериш, шунингдек ижодий ташаббусларни амалга ошириш ва ўқув материалини самарали ўргатиш учун, ўқитувчининг ўқитиш воситалари ва усулларини танлаш ва амалга ошириш қобилиятини кенгайтириш; ўқитувчини алмаштирмасдан ёки анъанавий босма дарсликларни алмаштирмасдан, билимларни узатиш учун қўшимча ахборот каналини яратиш.

Автоматлаштирилган иш жойи қуйидаги хусусиятларга эга.

- фойдаланувчига мавжуд бўлган техник, дастурий, ахборот ва бошқа воситалар мажмуи;

- компьютер ускуналарини фойдаланувчининг иш жойига яқин жойлаштириш;

- муайян фаолият соҳасида автоматлаштирилган маълумотларни қайта ишлаш лойиҳаларини яратиш ва такомиллаштириш қобилияти;

- фойдаланувчи томонидан маълумотларни қайта ишлашни амалга ошириш;

- маълум бир предмет соҳаси муаммоларини ечиш жараёнида ҳам, уларни лойиҳалаш жараёнида ҳам Фойдаланувчининг компьютер билан ўзаро мулоқоти диалог режими[3].

Ўқитувчи автоматлаштирилган иш жойининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

ўқувчиларнинг қобилиятларини, уларнинг индивидуал қобилиятларини ва билимларнинг дастлабки даражасини аниқлаш;

ўқув материаллари (матнлар, ўқув ва назорат топшириқлари, индивидуал иш учун карточкалар ва бошқалар);

ўқув материалини тақдим этиш ва уни мураккаблик даражасига, ахборотни тақдим этиш суръатига кўра мослаштириш;

ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш;

ўқувчиларнинг ишлаш кўрсаткичларини аниқлаш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01075

ҳар бир ўқувчи ва умуман гуруҳ томонидан материални ўзлаштириш жараёни кўрсаткичларини рўйхатга олиш ва статистик таҳлил қилиш (алоҳида топшириқларнинг характери ва бажарилиши, умумий иш вақти, хатолар сони ва бошқалар).

Автоматлаштирилган иш жойи яратиш ахборотни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича асосий операциялар компьютер технологиясига берилишини назарда тутади ва компьютер мутахассис ижодий ёндашувни талаб қилувчи қўлланмаларнинг айримларини бажаради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўқувчиларнинг фан асосларини эгаллашга бўлган эҳтиёжларини қондириш, қизиқишларини ортириш, таълим-тарбия жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлаш, инсон, жамият ва атроф муҳитнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш, таълим олувчиларда онгли интизом, инсоний қадр-қиммат туйғуси, юксак, ҳуқуқий маданият ва маънавий ҳамда ижодий фикрлашни таркиб топтириш мақсадида ўқитиш жараёнига янгича, замонавий талаблар асосида ёндашишни талаб этади. Автоматлаштирилган иш ўрни шунингдек масофавий таълим шароитида ҳам юқори натижага эришишни кафолатлайди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
2. Юлдошев И.А. Тармоқ технологияси асосида «информатика ва ахборот технологиялари» фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш методикасини такомиллаштириш (касб-ҳунар коллежлари мисолида). Автореферат. 13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика).
3. Бесекерский В.А. Теория систем автоматического управления. - СПб.: Профессия, 2007. - С. 365.